



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВА ЁШЛАРДА ХУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ.

Абдусаломова Хуршидабону Насирдиновна

Ўзбекистон Республикаси Криминология

тадқиқот институти мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20351486>

Аннотация: Мақолада вояга етмаганлар ва ёшларда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитетни шакллантиришнинг криминологик жиҳатлари таҳлил қилинган. Шахс антикриминал барқарорлигининг илмий-назарий асослари миллий ва хорижий олимлар қарашлари орқали ёритилган. Муаллиф ёшлар ўртасида жиноятчилик ривожланишига тўсиқ бўлувчи детерминантларни ўрганиб, "криминологик вакцинация", рақамли гигиена ва идоралараро комплекс ҳамкорлик тизимини жорий этиш каби амалий механизмларни илгари суради.

Калит сўзлар: Вояга етмаганлар, антикриминал иммунитет, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, криминологик детерминантлар, ёшлар жиноятчилиги, криминологик вакцинация, ҳуқуқий маданият, виктимологик омиллар, рақамли гигиена, девиант хулқ-атвор, идоралараро ҳамкорлик, ижтимоий назорат.

Кириш

Замонавий криминология илмининг энг устувор йўналишларидан бири — бу аҳолининг демографик жиҳатдан энг фаол ва айна пайтда виктимологик ҳамда криминоген таъсирларга мойил қатлами ҳисобланган **вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олишдир**. Давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши тўғридан-тўғри ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқий онги ва хулқ-атворида боғлиқ. Инсонпарвар ҳуқуқий давлат қуриш шароитида жазолаш тизимидан кўра, ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этиш концепцияси биринчи ўринга чиқади.

Ушбу контекстда криминология фанига **"ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет"** тушунчаси кириб келди. Мазкур иммунитет ёшларнинг ижтимоий ва криминоген детерминантларга (салбий таъсирлар, жиноий субмаданият, деструктив ғоялар ва ахлоқсизлик) нисбатан ички барқарорлиги, психологик ҳимоя тизими ва қонунга иттиоатгўйлик позициясини англатади. Ушбу илмий мақолада вояга етмаганлар ва ёшлар орасида антикриминал иммунитетни шакллантиришнинг назарий-методологик асослари миллий ва хорижий криминолог олимларнинг илмий қарашлари асосида тизимли таҳлил қилинади.

"Ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет" тушунчасининг криминологик табиати ва мазмунига тўхталадиган бўлсак, криминологияда шахснинг жиноий хулқ-атвори тизимли ҳодиса сифатида ўрганилади. Ёшларнинг руҳияти ва дунёқараши ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги сабабли, улар ташқи муҳитдаги салбий трансформацияларга тез мослашувчан бўлади.

Фикримизча, ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет — бу шунчаки ҳуқуқий билимлар йиғиндиси эмас, балки шахснинг ички қадриятлар тизими бўлиб, у ташқи криминоген омиллар мавжуд бўлган тақдирда ҳам шахсни жиноий йўлга киришдан тўсиб турувчи психологик ва маънавий қалқондир.

Ўзбекистон криминология мактабининг асосчиларидан бири, профессор З.Зарипов ўз тадқиқотларида вояга етмаганлар хулқ-атворини шакллантиришда ижтимоий институтлар, хусусан, оила ва маҳалланинг ролига алоҳида урғу беради. Олимнинг фикрича: "Антикриминал иммунитет фақатгина ҳуқуқий таъқиб кўркуви остида шаклланмайди; у ёшлиқдан бошлаб



оилавий муҳитда шаклланадиган ички маънавий маданият натижасидир¹” деб таъкидлайди. Зарипов жиноятчиликка қарши курашда ижтимоий назорат тизимининг сустратиши ёшларда назоратсизликнинг кучайишига олиб келишини таъкидлайди. Бу борада профессор И. Исмаилов² вояга етмаганлар жиноятчилигининг тизимли детерминантларини ўрганар экан, антикриминал иммунитетни тизимли профилактиканинг натижаси сифатида баҳолайди. У ўз асарларида шундай ёзади: “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликка қарши барқарор иммунитет ҳосил қилиш учун умумий ва махсус профилактика чоралари узвий боғлиқ ҳолда, тизимли равишда амалга оширилиши лозим”. Исмаилов қонунчилик базасини такомиллаштириш ва тарбия тизимини криминологик прогноزلаш асосида қуришни таклиф этади. Шунингдек, криминолог олима профессор Қ.Р. Абдурасулова ёшлар жиноятчилигининг психологик ва гендер хусусиятларига эътибор қаратади. Унинг илмий хулосаларига кўра, вояга етмаганлар орасида девиант ҳуқ-атворнинг пайдо бўлиши ва уларнинг криминал муҳитга мослашиши иммунитетнинг заифлашганидан далолат беради. Қ.Р. Абдурасулованинг фикрига кўра: “Шахснинг ҳуқуқий иммунитетни унинг ижтимоий психологик соғломлиги билан бевосита боғлиқ. Агар ўсмир оилада ёки таълим муассасасида виқтимлик (қурбон бўлиш) ҳолатига тушса, унда ташқи таъсирларга қарши туриш қобилияти йўқолади³”.

Бу борада олим М. Усмоналиев жиноятчиликнинг олдини олишда иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яхшилаш биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини илгари суради. Унинг фикрича: “Ёшларни фойдали меҳнат, спорт ва таълим билан банд қилмасдан туриб, уларда жиноятга қарши иммунитет яратиш бўлмайди. Бўш вақтнинг назоратсиз қолиши – криминоген вазиятни келтириб чиқарувчи бош омилдир” деганида нақадар ҳақли бўлган. Ушбу ёндашув бугунги кунда ёшлар сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий йўналишларига тўлиқ мос келишини гувоҳи бўлмоқдамиз

Замонавий ўзбек криминолог олимларидан Б.А. Умирзақов вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини жамоат ҳавфсизлиги контекстида таҳлил қилади. Унинг фикрича, ёшларда иммунитетни шакллантириш фақат ички ишлар органларининг иши эмас, балки комплекс институционал ёндашувни талаб қилади. Муаллиф таърифича “Иммунитетни мустаҳкамлаш – бу давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг рақамли технологиялар асрида ёшлар онгини деструктив ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлигидир”. Ушбу тушунча ва унга берилган таъриф тор маънода шакллантирилган бўлиб, айнан кимнинг ва қандай иммунитетни шакллантириш кераклиги очиқланмасдан қолгандай. Бугунги кунда ёшлар ва вояга етмаганларнинг руҳий ва маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш энг долзарб масалаларидан бирига айланганини кўриш учун ижтимоий тармоқларда минглаб мисолларни ҳаётда эса ўз қўлимиз билан тирик гувоҳларни кўришимиз мумкин. Улар бизнинг келажагимиз ва бунга бепарво бўлаолмаймиз. Илмий жиҳатдан ёшлар ва вояга етмаганларнинг руҳий иммунитетни ва маънавий иммунитетни тушунчаларига аниқлик киритиш лозим ҳисобаланди.

Назаримизда, юқорида фикр мулоҳазалари таҳлил қилинган криминолог олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, “Ёшлар ва вояга етмаганлар руҳий иммунитетни тушунчасини “бу шахснинг ташқи салбий психологик таъсирлар, ахборот хуружлари, маънавий таҳдидлар ва ҳаётини инқирозларга қарши тура олиш қобилиятини белгиловчи мажмуавий руҳий тизимдир” дея таърифлаш ва уни криминологияга киритиш тавсия этилади.

¹ Зарипов З., Исмаилов И. Криминология: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 174-175.

² Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм. – Тошкент, 2015. – Б. 15.

³ Абдурасулова Қ. Р. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унинг олдини олиш муаммолари. Илмий монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2019. – Б. 98.



Мазкур таклиф этилаётган тушунча асосида амалиётга бир қатор асосли ташкилий механизмлар таклиф этилиб унинг ишлаши таъминланса Шахснинг ички барқарорлигини ва деструктив (вайронкор) ғояларга нисбатан бардошлилигини таъминлашга хизмат қилад.

Назария ва амалиёт учун таклифлар берилиши мумкин, амалиётга жорий этилиши ҳам мумкин дейлик, биок ёшлар ва вояга етмаганларга умумий механизм қўлланиладиган бўлса уларнинг орасидан барибир девиант ҳуқуқлари ажралиб чиқиши мумкин. Бу борада ҳуқуқшунос С.Б. Хўжакулов⁴ индивидуал ва виктимологик профилактика муаммоларига тўхталади. У ўзининг тадқиқотларида ёшларда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитетни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш зарурлигини қуйидагича қайд этади: “Ҳар бир вояга етмаган шахснинг криминогенлик ва виктимлик даражаси индивидуал тартибда ўрганилиши керак. Биз уларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни олдиндан прогноз қила олишимиз, яъни “криминологик вакцинация” тизимини яратишимиз шарт”. Устоз олимларимиздан профессор Н.Т. Исмоилов ҳам вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларни индивидуал олдини олиш механизмлари устида тўхталиб, ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет – бу шахснинг қонун бузилишига нисбатан ички жирканиш ва салбий муносабатидир. Мазкур муносабатни шакллантириш учун тарбия жараёни мажбурлашга эмас, балки ҳуқуқий рағбат ва англашга асосланиши лозим⁵ эканлигини таъкидлайди.

Зотан, замонавий ҳуқуқий тизимлар интеграциялашуви шароитида чет эл олимларининг тадқиқотлари ҳам катта аҳамиятга эга. Россиялик криминолог олим, профессор Р. Ф. Степаненко⁶ ёшлар ўртасида аномия (жамиятдаги қадриятлар ва қонунлар тизимининг инқироzi) ва ҳуқуқий маданиятсизлик муаммоларини тадқиқ этган. Унинг фикрича: “Ёшлар ўртасида ижтимоий адолатга бўлган ишончнинг йўқолиши антикриминал иммунитетни бутунлай емирувчи омилдир. Қонун устуворлиги шахсий мисолда таъминлансагина, ёшларда қонунга ҳурмат шаклланади” деган фикрни илгари сурган бўлса, АҚШлик таниқли криминолог, профессор F. E. Zimring вояга етмаганлар жиноятчилиги назариясини ривожлантириб, ўсмирларнинг ёш хусусиятларига кўра таваккалчиликка мойиллигини илмий асослаб берган. У шундай ёзади: “Вояга етмаганларнинг мия тизими ва қарор қабул қилиш механизмлари ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлади. Шу боис уларда жиноятга қарши ички иммунитет заиф бўлиб, улар гуруҳлар таъсирига тез берилувчандир. Профилактика тизими уларни жазолашга эмас, балки афв этиш ва тўғри йўлга йўналтиришга асосланиши керак⁷”.

Канадалик криминолог олим I.Waller жиноятчилиكنинг олдини олишнинг ижтимоий ва иқтисодий инвестициявий моделларини ҳимоя қилад.

Унинг фикрига кўра: “Биз полиция тизимига ёки қамоқхоналарга пул сарфлагандан кўра, болаликдан бошлаб ёшларнинг ижтимоий иммунитетини оширишга, яъни сифатли таълим ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларига инвестиция киритишимиз керак. Бу жиноятчилиكنи камайтиришнинг энг арзон ва самарали усулидир⁸”.

Фикримизча, илмий назарияда таҳлил қилинган фикрлардан келиб чиқиб, Вояга етмаганлар ва ёшларда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет заифлашувининг криминологик детерминантлари ва сабабларини асосий ўқта; макромуҳим ва оилавий омиллар, Таълим ва ижтимоийлашв

⁴ Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг институционал тизими ва виктимологик жиҳатлари. Диссертация. – Тошкент, 2025. – Б. 76.

⁵ Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари: Юрид. фан. номз. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 21–42.

⁶ Степаненко Р. Ф. Общеправовая теория маргинальности: монография / под ред. О. И. Цыбулевской. – Казань: Университет управления «ТИСБИ», 2012. – 136 с.

⁷ Zimring, F. E. (2005). *American Juvenile Justice*. Oxford University Press. (Хусусан, китобнинг "Kids, groups, and crime" ҳамда "Penal proportionality for the young offender" боблари, 61–85-бетлар)

⁸ Waller I. Less Law, More Order: The Truth about Reducing Crime. – New York: Praeger Publishers, 2006. – P. 32.



жараёнидаги нуқсонлар, ахборот-коммуникация соҳасидаги хавфларга бўлиш мақсадга мувофиқ. Айнан мана шу хавфларнинг таркибини нималар ташкил этишини ҳам тўлиқ очиб береш лозим бўлади. Сабаби, назария амалиётдаги муаммоларни ечими учун дастлабки йўналишларни белгилаб беради. Шу боис, вояга етмаганлар ва ёшларда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитетни суғлаштини кўрсатувчи омиллар таснифланишини шакллантириш лозим.

Фикримизча, вояга етмаганлар ва ёшларда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитетнинг суғлашишига ёки йўқолишига олиб келувчи детерминантлар гуруҳини ўрта асосий блокка ажратган ҳолда таснифлаш мумкин:

Микромуҳит ва оилавий омиллар: оиладаги носоғлом муҳит, ота-оналарнинг ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка берилиши; ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига совуққонлиги ва назоратсизлик; оилавий ажралишлар оқибатида бола руҳиятидаги психологик жароҳатлар.

Таълим ва ижтимоийлашув жараёнидаги нуқсонлар: таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбиянинг фақат расмийлик учун ўтилиши. педагоглар ва ўқувчилар ўртасидаги ишончли мулоқотнинг йўқлиги; жиноий унсурлар ва салбий ҳуқ-атворли тенгдошлар гуруҳларининг таъсири (криминал субмаданият).

Ахборот-коммуникация соҳасидаги хавфлар: интернет маконида зўравонлик, шафқатсизлик ва осон бойлик орттириш ғояларини тарғиб қилувчи контентларнинг мавжудлиги; иберҳуқуқбузарликлар, ноқонуний қимор (букмекерлик) ва диний-экстремистик оқимларнинг виртуал тузоқлари.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганлар ва ёшларда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитетни шакллантириш – давлат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали криминологик воситасидир. Миллий ва хорижий олимлар (З. Зарипов, И. Исмаилов, F. E. Zimring, I. Waller ва бошқалар) таъкидлаганидек, мазкур иммунитет комплекс ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва психологик чораларнинг натижаси ўлароқ юзага келади.

Ёш авлод онгида қонунга ҳурмат ва адолат туйғусини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда рақамли макондаги хавфлардан ҳимоя қилиш орқали биз жиноятчиликдан ҳоли соғлом ижтимоий муҳитни яратишга эришамиз.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Зарипов З., Исмаилов И. Криминология: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 174-175.
2. Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм. – Тошкент, 2015. – Б. 15.
3. Абдурасулова Қ. Р. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унинг олдини олиш муаммолари. Илмий монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2019. – Б. 98.
4. Степаненко Р. Ф. Общеправовая теория маргинальности: монография / под ред. О. И. Цыбулевской. – Казань: Университет управления «ТИСБИ», 2012. – 136 с.
5. Zimring, F. E. (2005). American Juvenile Justice. Oxford University Press. (Хусусан, китобнинг "Kids, groups, and crime" ҳамда "Penal proportionality for the young offender" боблари, 61–85-бетлар)
6. Усмоналиев М., Каракетов Ё. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2011. – Б. 45-48.
7. Умирзақов Б. А. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва яқка профилактикаси тизими // Жамоат хавфсизлиги парадигмаси. – Тошкент, 2026. – Б. 112.